270596

ОМБОР ДОНГА ТЎЛСИН ДЕБ

· БУХОРО. «Жорий йилда 202 минг тонна сара дон етиштиришимиз ва шунинг 86 минг тоннасини давлатга сотишимиз керак, — дейди Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Очилов. — Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Фақат ҳосилни вақтида йиғиштириб олсак бўлгани». Вилоятда ғалла ўримига ҳозирлик қизғин. 405 та ўрим комбайни таъмирланди. 845 комбайнчи ўқитилди. Ғаллани ташиш, сақлаш чоралари кўрилмоқда. 13 та қабул пункти, 40 та элеватор, омборхона, айвон, майдончалар шай.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЗАВОДДА СПОРТ КОМПЛЕКСИ

· СИРДАРЁ. Гулистон шаҳар пахта тозалаш заводида соғломлаштириш маскани — спорт комплекси фойдаланишга топширилди. У қисқа муддатларда барпо этилди. Комплексда корхона жамоаси ишдан бўш вақтлари ва дам олиш кунларида спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Абдужалил УМАРОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

· ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳкўчасидаги 2-уйда «Илҳом» тарғибот-ташвиқот маркази иш бошлади. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг ташаббуси билан очилган бу янги маънавият ўчоғи Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг шахсий уй-маърифатхонасида жойлашган. Марказ фақат шоирнинг ижодини тарғиб қилиш билан чекланмайди. Унинг вазифаси халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш, ёш иқтидорларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш ва шоир номидаги стипендия билан таъминлаш ва бошқа тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Юнус УЗОҚОВ.

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

· САМАРҚАНД. Шаҳардаги «Динамо» стадионида республика талабаларининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Универсиада» мусобақаларининг финал қисмига старт берилди. Финалга йўлланма олган талабалар спортнинг кичик футбол, бухороча ва фарғонача кураш, волейбол, стол тенниси, тош кўтариш, арқон тортиш каби турлари бўйича қизғин курашга киришдилар.

Фармон ТОШЕВ.

ЧЕТ ТИЛИ ФЕСТИВАЛИ

· НАМАНГАН. Ўзбекистон ХДП Мингбулоқ туман кенгаши жонли ташаббус билан чиқди. Бир неча ташкилотлар билан бирга туманда «Ҳар доим бўлсин қуёш» шиори остида чет тиллар фестивали ўтказди. Фестивалда 26 та мактабдан қатнашган ўқувчилар инглиз, араб, француз ва рус тилларида тайёрланган дастурларни намойиш қилдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРА

· ФАРҒОНА. Бу ерда энг яхши ҳамшира кўрик танлови бўлиб ўтди. Танловда туман ва шаҳарларда ўтган шундай танловларнинг 19 нафар ғолиби ўзаро куч синашишди. Кўрик танловда Фарғона шаҳар бирлашган болалар шифохонаси катта ҳамшираси Муҳаббатхон Шамсиддинова биринчи ўринни эгаллади.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 21 май, сешанба № 61 (21.982).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ОЗАРБОЙЖОН ВА ГРУЗИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Озарбойжон Республикаси Президенти Гейдар Алиевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 27 май куни расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасида бўлади.

***

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 27-28 май кунлари расмий ташриф билан Грузияда бўлади.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқлари кенгаши йиғилишида; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Россия ва Беларусь ҳамдўстлиги, шунингдек, Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган иттифоқдан сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кейинги истиқболи қандай бўлади? МДҲ доирасидаги интеграцияга эҳтиёж сусаймайдими? Юқорида қайд этилган тузилмаларга МДҲга аъзо бошқа мамлакатлар қандай муносабат билдиради? — МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг 17 май куни Москвада ўтган навбатдаги учрашуви олдидан ана шу саволлар кўпчиликни ғоят қизиқтирар эди.

МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши бу галги мажлисининг одатдагидан яна бир фарқли томони шундаки, у ўзига хос юбилей учрашуви эди. Бироқ, 20-учрашувда юбилейга хос тантанаворлик эмас, бугунги кун муаммоларини амалий ҳал этиш руҳи устунлик қилди. Бунда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг муҳим ҳиссаси бор. Зеро, Президентимиз доимо МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида сиёсий, ҳарбий масалаларни эмас, кўпроқ халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш лозимлигини таъкидлаб келади.

17 май куни Кремлда МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши дастлаб ёпиқ эшиклар ортида ўз ишини бошлади. Сўнгра кенгаш Кремлнинг Екатерина залида ўзининг ялпи мажлисини давом эттирди. Мажлис кун тартиби тасдиқланганидан сўнг кенгаш аъзолари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари ташаббуси билан кун тартибига киритилган МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг «Россиядаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёноти»ни муҳокама қилдилар. Баёнотда Ҳамдўстлик давлатларидаги вазият кўп жиҳатдан Россиядаги ўзгаришлар муваффақиятига боғлиқлиги, ислоҳотлар ўзининг илк самараларини бера бошлагани, бу вазиятда сиёсий иродани намойиш қилиб, белгиланган йўлдан ортга қайтмаслик лозимлиги таъкидланади. Россияликлар бўлажак Президент сайловида гуллаб-яшнайдиган демократик Россия учун овоз беришига умид билдирилади.

Шуни қайд этиш лозимки, МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг барчаси бу баёнотнинг муҳимлигини таъкидладилар ва уни якдиллик билан ёқлаб фикр билдирдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам бу масалада ўз фикрини баён қилди. Б. Ельциннинг МДҲ давлат раҳбарлари кенгашига яна раис этиб сайлангани Ҳамдўстлик мамлакатлари Президентлари демократик Россия тарафдори эканини намойиш қилишини қайд этди.

Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган муҳим масалалардан бири МДҲнинг 1996-1997 йиллардаги интеграциявий ривожланиш истиқбол режасидир. Олти йирик бўлимдан иборат бу ҳужжатда Ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, тинчликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ташқи сиёсат юритишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш юзасидан тадбирлар белгиланган. Шуниси аҳамиятлики, Давлатлараро Иқтисодий Қўмита (ДИҚ) шу йилнинг учинчи чорагида МДҲга аъзо мамлакатлар илмий муассасалари билан ҳамкорликда Ҳамдўстлик иқтисодий интеграцияси концепциясини ишлаб чиқади ва давлат бошлиқлари кенгашига тавсия этади.

Давлатлараро Иқтисодий Қўмитага қисқа муддатларда божхона иттифоқини шакллантириш, Давлатлараро валюта қўмитасига эса давлатлараро банк ва миллий

(Давоми 2-бетда).

ТЎРТИНЧИ ДИРЕКТОР...

«Хўжайлитекстил» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида раҳбарлар тез-тез ўзгартириляпти-ю, аммо ишда ўзгариш йўқ

Хўжайлидаги ип-йигириш— тўқимачилик фабрикасида кейинги икки йил ичида уч директор ишдан кетди. Аслида биронта директор даврида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми-ю суръатида силжиш бўлган эмас.

Фабрика 1994 йил охирида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхонанинг ҳозирги раҳбари — жамият бошқаруви раиси Юсуфбой Омонбоев ўтган йилнинг ноябрь ойида тайинланди.

Туман меҳнат биржасида 860 киши ишсиз сифатида қайд этилган. Айни пайтда «Хўжайлитекстил»нинг ишчилари нега ўз иш жойларини ташлаб кетишди? Ваҳоланки, улар орасида малакали ишчилар ҳам анчагина эди-ку?! Сабаби ўтган йил корхонада иш ҳақи тўлашда узилишлар бўла бошлади: сўнгги уч ойлик иш ҳақини ишчилар шу йилнинг февраль ойида олишди. Бу узилиш корхонага жуда қимматга тушди. Юқоридаги аҳвол юзага келди —иш ўринлари бўшаб қолди. Ҳозир корхонага 150 ишчи керак. Корхона омборида эса 31 миллион сўмлик маҳсулот ётибди. Олинган хом ашё ва кўрсатилган хизматлар эвазига қарз эса 25 миллион сўмдан кўп. Дебитор қарзлари 9 миллион сўмдан зиёд. «Орол» футбол клуби, «Табиат саховати» дўкони, Тошкентдаги «Барака» савдо фирмаси, «Илҳом» фирмаси ўтган йили анча миқдорда мол олишган. Бу руҳхат анча катта. Корхона раҳбарлари худди ўзининг молини бераётгандек ҳотамтойлик қилаверган.

Аччиқ, аммо очиқ гап!

— Сотилган маҳсулотларнинг ҳақини ўз вақтида ундиришнинг ҳаракатини кўрмадингизми? — сўраймиз бошқарув раисидан.

— Эътирозномалар ёздик. Хўжалик судига ҳам бир неча марта бордик, ишимизни кўришмади. Даъво ариза-сида кўрсатилган суммани ўн фоизини тўлашимиз керак экан. Ҳисобимизда бу пул йўқ эди. Шу билан қолиб кетди...

Агар сотилган маҳсулот ҳақи ўз вақтида ундирилиб, вақтида иш ҳақи берилса, ишчилар корхонадан кетмас ва янги кадрлар тайёрлашга маблағ сарфлашга ҳам ҳожат бўлмас эди!

Корхонанинг тўқувчи қизлари билан суҳбатлашдим. Улар маданий-маиший, дам олиш шароитлари ҳақида оғиз очишмади.

— Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Тошкент тўқимачилик комбинатидан келтирилган (у ерда ишлаб чиқаришдан олинган) юз дастгоҳ ўзимизнинг эскилардан яхшию, уларга ҳам эҳтиёт қисмлар керак. Бизга яхши иш шароити яратиб беришса, тузук ҳақ олармидик?..

600-800 сўмнинг нариберисида ҳақ олаётган бу қизларнинг дардини англаш қийин эмас.

Суҳбатимиз сўнгида жамият бошқаруви раиси Ю. Омонбоевдан ишни яхшилаш бўйича фикрини сўрадик:

— Аҳволимиз оғир. Эҳтиёт қисмларни Бухоро, Андижондан келтирамиз. Йўлкира келтирилган мол нархидан икки-уч баробар қиммат. Биронта инвестор топсак яхши бўларди. Бизга «финансирование» керак.

Икки йил ичидаги тўртинчи директорга олдинги раҳбарлар хатосини тузатишга тўғри келади. Аммо, гап-сўзидан англадикки, у ҳам фақат юқоридан ёрдам кутаяпти. Ички имкониятдан нега фойдаланилмаяпти? Чамаси, боқимандалик кайфиятидан қутилиш қийин бўляпти.

Агар, тўртинчи директор ҳам ишни шу тарзда давом эттирса...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛАТВИЯ
шаҳарлари ҳақида мухтасар маълумот

РИГА

916 минг аҳолига эга бўлган мазкур пойтахт шаҳар бошқа Болтиқбўйи шаҳарларидан ўз гавжумлиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради. Даугава дарёсининг Рига қўлтиғида жойлашган бу шаҳар тоза ҳавоси, қулай темир йўл магистралига эга. Бу эса сайёҳларни ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда. Зиёратчилар шаҳардаги меъморий санъатнинг Готика даврига мансуб биноларини кўриб ҳайратдан лол қоладилар. Рига шаҳри ҳамма даврларда шарқ ва ғарб оралиғидаги «савдо кўприги» бўлиб келган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Рига яқин йилларда ўз нуфузини Оврўпанинг маълум ва машҳур Прага ва Париж шаҳарлари даражасигача кўтара олади.

СИГУЛДА

Сигулдани Латвия «Швецарияси» дейишади. Сиз у ерда Митвал қалъасидаги ноёб асарларни кўриб завқланасиз. Гўзал тоғ манзаралари, чангалзорлардан оқиб ўтувчи дарёларни, очиқ ҳавзада барпо этилган ҳайкаллар боғини, Европанинг бошқа шаҳарларида йўқолиб бораётган хилма-хил буюмларни кўришингиз мумкин. Сигулда йилнинг ҳамма фаслида сизни интизорлик билан ўзига чорлаб туради. Сигулданинг қишида чанғи учиш, ёзида эса қайиқда сайр этиш қанчалар маза.

ЦЕЗИС

Хансетик Цезиснинг жуда чиройли шаҳарчасидир. Тор кўчаларда сайр этар экансиз, шаҳарнинг ажойиб табиий муҳитини ҳис этасиз. XV асрнинг охирларигача Латвияда фақатгина Цезис шаҳри ўзининг миллий пулини зарб қилар эди. Ушбу қалъа олмон ордени томонидан ўрта асрларда қурдирилган. Бундан ташқари Цезис Латвия миллий давлат байроғи дунёга келган шаҳар, деб тан олинади. Афсоналарда айтилишича, 1272 йил Латгалов қироли Цезисда ярадор бўлган ва у оқ байроққа ўралиб дафн этилган. Шундай қилиб, Латвиянинг оқ-қизил байроғи пайдо бўлади.

БАУСКА

Бу шаҳар ўрта асрлар меъморий санъатининг барокко услубида бунёд этилган. Шаҳарнинг энг машҳур Рундал қасри Ғарб Уйғониш даврининг машҳур меъмори, италиялик Рострелли ижодига мансубдир. Маълумингизким, Рострелли Санкт-Петербургдаги Эрмитажнинг ҳам муаллифидир. Рундал қасри меъморий санъатнинг барокко ва ракокко услублари уйғунлашган, донғи оламга кетган қаср ҳисобланади.

ТАЛСИ

Талси Рим шаҳри каби қоя устида жойлашган. Шаҳарда саккизинчи асрда қурилган нодир қасрнинг қолдиқлари ҳанузгача яхши сақланади. Яхши сақланган ўрмонлар ва чўл ҳавзалари мазкур шаҳарнинг энг кўркам жойлари ҳисобланади.

КУЛДИГА

Кулдига Латвиянинг энг ажойиб шаҳарларидандир. Бу шаҳарни тарихнинг барча бало-қазоларини четлаб ўтган, деса бўлади. У ҳозир ҳам XVI-XVII асрларнинг оддий ва чекка шаҳарчаси қиёфасини намоён этади. Шаҳарга кираверишдаги қадимги кўприк Вента дарёсининг бошланиш қисми манзаралари саккиз асрдан буён шаҳарга кўрк ва файз бағишлаб турибди. Кулдига Курземе диёрининг маркази ҳисобланади.

МДҲ ДОИРАСИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ДЕМОКРАТИК ҲАМКОРЛИК УЧУН

Таҳририятдан: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 17 май куни МДҲга аъзо давлатлар бошлиқлари кенгашининг мажлисидаги баёноти мазмунини эълон қилмоқдамиз, баёнот Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати томонидан тарқатилган.

СССРнинг парчаланиши — жаҳон тарихининг объектив ва қонуний ривожидир, деди Ўзбекистон Президенти, биз бундан мутлақо афсусланмаймиз. Янги давлатлар истиқлол ва мустақилликка эришгач, Россия демократик ислоҳотларни бошлаб, сиёсий ҳаётда ҳам, иқтисодий ҳаётда ҳам МДҲ мамлакатлари учун намуна бўлди.

Ҳозирги кунда Президент лавозими учун демократик вазиятда сайловолди кураши бормоқда, бу ҳам биз учун яхши намунадир. Табиийки, биз Россия бошлаган ислоҳотлар давом этиши ва муваффақиятли якунланишини истаймиз.

Яна бир жиҳат тўғрисида гапирмоқчиман. Биз собиқ советлар ҳудудида қарор топган ўзаро ҳурмат муносабатларига энг аввало Россия ва унинг раҳбариятининг янги мустақил давлатлар барқарорлиги ва истиқлолини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда пухта ўйлаб ўтказаётган сиёсати сабаб деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, Россиянинг бу демократик йўлини ҳозирги кунда фақат янги мустақил давлатлар эмас, шу билан бирга бутун дунё қўллаб-қувватламоқда.

Сайловда россияликлар ва фақат россияликлар овоз беришини биламиз. Шу билан бирга МДҲ мамлакатларида яшаётган халқлар — биз Россия кимни сайлашига бефарқ қараб тура олмаймиз. Биз буни сир тутмаймиз.

МДҲдаги бошқа мамлакатлардаги вазият Россия Президентликка кимни сайлашига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Башарти Россияда демократик ислоҳотлар давом эттирилса — маълум бир вазият вужудга келади, коммунистлар ғалаба қозонса, вазият бутунлай бошқача бўлади. Бу шубҳасиз орқага қайтиш бўлур эди. Ҳеч шубҳасиз, коммунистларнинг ҳокимият тепасига чиқиши россиянинг ўзидагина эмас, МДҲнинг бошқа давлатларида ҳам қарама-қаршиликларга олиб келади.

Мен бугун Борис Николаевич Ельциннинг келажакка ишонч билан қарашини қўллаб-қувватлаб, Россия демократик йўлини танлаб олади, деб ишонч билдиришни истар эдим.

Бир хўжаликдан икки хушхабар

ҒАЛЛА ЎРИМИГА КИРИШИЛДИ

· **СУРХОНДАРЁ.** Жарқўрғон туманининг А. Навоий номли жамоа хўжалиги С. Тошпўлатов бошлиқ бригадаси вилоятда биринчи бўлиб ғалла ўриш комбайнларини далага олиб чиқди. Бригадада биринчи иш кунининг ўзида 10 гектар майдондаги арпа ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Ҳосилдорлик дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, гектарига 40 центнерни ташкил қилаяпти.

Туман ғаллакорлари бу йил 10260 гектар майдонда ҳосил етиштирдилар. Ўрим-йиғимга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилди. 51 та комбайн созлаб қўйилди. 25 майдан ғаллакорлар буғдой ўримини бошлайдилар. Ҳозир ўрилган майдонлар ҳайдалиб, такрорий экин экишга тайёрланмоқда.

ПИЛЛА ТАРОЗИГА ҚЎЙИЛДИ

Жарқўрғон туманининг А. Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси Т. Эрматовани ҳақиқий пиллакор, ўз касбининг ихлосманди, деса бўлади. Чунки, Турсуной опа ўтган икки йилда етиштирган пилласининг пулини ҳозиргача ололмаган бўлса ҳам бу йил яна бир қути ипак қурти парвариш қилди. Ва ўзи етиштирган ҳосилни биринчи бўлиб тарозига қўйди. 80 килограммдан зиёд пилла топшириб, хўжалик билан тузган шартномасини бажарди.

Вилоятда биринчи бўлиб пилла тайёрлашни бошлаган жарқўрғонлик пиллакорлар бу йил 115 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш ниятидалар. Шу кунларда пилла тайёрлаш туманнинг барча хўжаликларида бошлаб юборилди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

молия муассасалари билан ҳамкорликда тўлов ҳамда валюта иттифоқларини тузишга асос бўладиган ҳуқуқий пойдеворни яратиш топширилди.

МДҲ ҳудудида жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани кўпчиликни ғоят ташвишга солаётир. Бу иллатнинг олдини олиш, унга қарши биргаликда кураш Ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар учун манфаатлидир. Шу боис давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида МДҲ ҳудудида уюшган жиноятчиликка ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашнинг 2000 йилгача бўлган давлатлараро дастури ҳам муҳокама қилинди. Унда ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базасини яратиш, миллий қонунларни ўзаро мувофиқлаштириш, келишган ҳолда ташкилий-амалий тадбирлар ўтказиш белгиланган. Мажлисда Ҳамдўстлик давлатлари Ички ишлар вазирлари кенгаши ҳақидаги қоидаларнинг тасдиқланиши юқорида қайд этилган дастурни амалга ошириш борасида қўйилган илк қадам бўлди, дейиш мумкин.

Маълумки, МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари Ҳамдўстлик ҳудудида, жумладан, Тожикистонда ва Абхазияда юз бераётган можароларни тинч йўл билан бартараф этишга муҳим ҳисса қўшмоқда. Давлат бошлиқлари кенгашида бу гал Абхазия можароси минтақасида тинчликни таъминлаш коллектив кучлари ваколат муддатини яна икки ойга узайтиришга қарор қилинди. Мажлисда, шунингдек, бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама этилди. Шу ўринда Ўзбекистон делегацияси ҳар бир масалага халқимиз манфаати нуқтаи назаридан ёндашганини алоҳида қайд этиш лозим.

Биз мақоламизни МДҲ истиқболи ҳақидаги савол билан бошлаган эдик. Давлат раҳбарларининг бу галги учрашуви Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги истиқболи кўп жиҳатдан Россия қай йўл билан ривожланишига боғлиқлигини кўрсатди. Учрашув якунида Президентлар журналистлар саволларига жавоб қайтарар эканлар, бу ҳолни алоҳида қайд этдилар.

Ҳозирча эса, МДҲ интеграция йўлида олға қадам ташламоқда. Унинг халқаро обрў-эътибори ҳам кун сайин ортиб бораётир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолийнинг давлат бошлиқлари кенгаши ялпи мажлисида иштироки ва нутқ сўзлаши ана шундан далолат беради. БМТ Бош котиби МДҲнинг жаҳонда тинчликни таъминлаш борасидаги фаолиятига айниқса юксак баҳо берар экан, БМТ билан бу ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик фақат шу соҳа билан чекланиб қолмаслиги лозимлигини таъкидлади.

МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳар гал навбатдаги учрашув муддати белгиланар эди. Негадир бу гал навбатдаги учрашув ўрни ва муддати маълум қилинмади. Бу ҳам балки МДҲнинг келгусидаги истиқболи жорий йил июнида россияликлар Президент сайловида кимни сайлаши ноаёнлиги билан боғлиқдир. Аммо, биз ақл-заковат ғолиб келишига умид қиламиз. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, демократик ва иқтисодий ислоҳотлар ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосидаги ҳамкорлик тараққиётнинг ягона, оқилона омилидир.

***

17 май куни оқшомда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорский ҳам бор эди.

Амирқул КАРИМ,
(ЎзА махсус мухбири).
Тошкент-Москва-Тошкент.

ДЎСТЛИК АНЖУМАНИ

Фарғонада республикамиз барча вилоятлари, шунингдек, Қозоғистондан келган бир гуруҳ ижодкор мураббийларнинг "Туркистон — умумий уйимиз" халқаро дўстлик анжумани ўтказилди.

Икки кун давом этган йиғинда таниқли шоир ва ёзувчилар, ижодкор ўқитувчилар гуруҳларга бўлиниб, вилоят мактабларида таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши, китоб мутолааси, кашфиёт ва мустақил фикрлаш билан боғлиқ тажрибаларни ўргандилар.

ШАРТНОМАГА ИМЗО ЧЕКИЛДИ

Қозоғистон ва Эрон мамлакатлари Қозоғистон нефтини Эронга етказиб бериш юзасидан икки ёқлама шартномани имзолашди. Шартномага кўра, Қозоғистон ўз нефтини Шимолий Эронга етказиб беради. Ўз навбатида бу нефть Техрон корхоналарида қайта ишланади. Бунинг эвазига Қозоғистон шунга яраша миқдордаги "қора олтин"ни Форс кўрфазидаги нефть омборларидан экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

ҚИЗИҚЧИЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон халқ артисти, машҳур кулги дарғаси Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган кўрик-танлов барчани қизиқтирди. Андижоннинг Хонобод шаҳрида ўтказилган бу кўрик-танловда фақатгина вилоят қизиқчилари эмас, балки бутун Марказий Осиёдан вакиллар қатнашди. Минглаб томошабинларни шаҳар маданият ва истироҳат боғига чорлаган бу тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан, қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳамда Қозоғистондан келган қизиқчилар, аскиячилар иштирок этишди.

БАНКААРАРО ВАЛЮТА БИРЖАСИ ИШГА ТУШДИ

Икки ойлик танаффусдан сўнг Тожикистон банкааро валюта биржаси яна ишга тушди. Яқинда бўлиб ўтган савдода шу нарса маълум бўлдики, таклиф талабдан кўра юқори бўлди. Америка долларининг қиймати Тожикистон рублига нисбатан пасайгани бунинг сабабидир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, доллар қийматининг пасайишига халқаро валюта фонди раҳбарларининг Душанбега келиб, Тожикистонга 55 миллион АҚШ долларини миллий валютани қўллаб-қувватлаш учун ажратгани ҳам таъсир этган. Лекин бу аҳвол мунтазам давом этади, деб бўлмайди. Шу боис ҳам мутахассислар Америка валютаси курси яна кўтарилади, дейишмоқда.

БЎШ МАЙДОНГА РАИС ЭДИ

— Назаримда, онам мени фақат ташвиш учун туққандек. Очиғи, ишимдан қониққан кунимни эслай олмайман. Нимадир кам бўлаверади, етишмайверади...

Жомбой туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ғаниқул Исоқулов билан суҳбатлашарканман, юртимизда шундай тиниб-тинчимас инсонлар борлигидан фахрландим!

У ўртоқлари қатори ўрта мактабни тугатиб, қишлоқ хўжалиги институтига сиртдан ўқишга кирди. Охири, ишбилармон ҳамқишлоқлари билан Мирзачўлга отланди. Оддий колхозчиликдан хўжалик раиси даражасига кўтарилди. Ўқишни ҳам битирди. Йигирма беш йил деганда она қишлоғига қайтиб келди.

— Ғўбдин тоғининг этакларида анчагина ташландиқ ер бор эди. Мени 1989 йилда колхозга эмас, балки ана шу майдонга раис қилиб қўйишди. Чунки у ерда ҳатто кетмондаста бўладиган дарахт ҳам йўқ, сувсизликдан қақраб ётарди. Қишлоқлар сал пастликда. Бир амаллаб беш-олти нафар ўзимга ўхшаган кишиларни атрофимга тортдим. Унга сарғайиб, бунга сарғайиб техника топдик, пул топдик. Уч йил ичида ўша — «Навбаҳор» жамоа хўжалигида 300 гектар мевазор, 150 гектар токзор, шунингдек, ҳосилли пахтазорлар яратдик. Йўллар қурдик, идорали бўлдик. Ҳар йили режаларни ошириб бажардик. Ана шундай пайтда эл ободлиги учун ёнимга кириб кечаникеча, кундузни-кундуз демай ишлаган фидойи ҳамқишлоқларимга таъзим қиламан.

Мана, тўрт йилдирки, қолоқ ҳисобланган Навоий номли жамоа хўжалиги ҳам пешқадамлар сафидан жой олди. Ғаниқул ака билан далаларни, қишлоқларни айландик.

Одамлар билан худди оила аъзоларидек суҳбатлашади.

— Биласизми, одамларнинг эҳтиёжини қондирмасак, кўнглини ололмасак, ишимиз юришмайди. Мен Мирзачўлдаги оғир шароитларда бу ақидага ишонч ҳосил қилганман. Яқинда ўтган йилги ҳосилимизнинг қўшимча қисмидан аҳолига 12 тонна ўсимлик ёғи тарқатдик. Сўраганларга чорвасининг эҳтиёжига қараб кунжара, шулха бериб турибмиз. Айтгандай, 1994 йилги қўшимча ҳосил толасидан иккита янги комбайн олдик.

Юртимиз фидойилари

Раис фахр билан гапирарди...

Тўққизта қишлоқнинг ҳаммаси бир ярим йил ичида табиий газ билан тўла таъминланди. Хўжаликнинг бирор сўм ҳам қарзи йўқ. Аксинча, икки миллион сўмга яқин пулни тегишли ташкилотлардан ололмай овора. Ўтган йили хирмон ғаллага тўлиб кетди. Бундан ташқари хўжалик аъзоларига шу ернинг ўзида етиштирилган шоли ва нўхат, картошка ва мева маҳсулотлари натура усулида тарқатилмоқда. Қизиқ, мана-ман деган хўжаликлар пахта режасини ярмига ҳам уддалолмай турган пайтда булар муваффақиятга қандай эришди экан?

— Бунинг сири шуки, деҳқончиликда майда иш, деган гап бўлмайди. Одамларни шунга ўргатганмиз. Яганалашдан тортиб, чилпишгача ҳар бир туп ғўза эътиборимизда. Айрим оғир участкаларга қўшимча куч ташлаб бўлса-да, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказамиз. Шунинг учун кузда ҳамиша кўнглимиз тўқ.

— Йиғинимизда тўртта хўжалик бор, — дейди Шерқўрғон фуқаролар йиғини раиси Азим Шохлоров. — Лекин Навоий номли хўжалик улар ичида алоҳида ажралиб туради. Чунки хўжалик раиси Ғаниқул ака бошқача тарзда яшай олмайди. Унинг янгиликка қўл урмаган куни йўқ. Бошқалар қўл силтаганда ҳам зовурларни қазиш ва тозалаш учун оёқ тираб олган ҳам ана шу инсон. Мана бугун ўша майдонларда ғалла мўл ҳосилга кирган. Мактаб, болалар боғчаси, медпунктларга ҳам қўлидан келганча ёрдам беради. Хуллас, хўжаликнинг 6 минг нафар аҳолиси иқтисодий ислоҳотнинг мураккаб онларида тўқ турмуш кечирмоқда.

Ғаниқул ака мен билан шошиб хайрлашди.

— Очиғи, бизнинг узоқ қишлоқларга яқин беш-ўн йил ичида мухбир келган эмас. Лекин сиздан узр сўраб, суҳбатимизни чала қолдираман. Чунки биринчи бригаданинг беш гектарлик майдонига сув етишмай турибди. Агар уни бугун суғормасак, эртага кеч бўлади. Чорасини топишим керак!..

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН АНДОЗА ОЛМАЙЛИК

Мустақил давлатимиз халқ таълими соҳасида кейинги беш йилда бирмунча ютуқларга эришди. Бугунги кунда қўплаб замонавий мактаб бинолари, мажмуалари мавжуд. Сиртдан қараганда бу соҳада ҳамма ишлар сип-силлиқ кетаётгандек кўринади. Аслида-чи?

Халқ таълими тизимида ва унга бевосита масъул бўлган вазирлик ишларида ҳам қатор муаммолар йиғилиб қолган. Уларни ҳал этмасдан жиддий силжишларга эришиш қийин. Бунинг учун таълим тизимини жиддий урганиб тадқиқ этиш керак. Зотан, миллатнинг тараққиёти энг аввало таълим даражасига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда дарсликлар аҳволи ва уларнинг савияси ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Ҳар бир ўқувчини зарур дарсликлар билан таъминлаш учун ҳукуматимиз томонидан етарлича қоғоз ва маблағ ажратилган. Лекин уларнинг қандай сарфланаётгани эътиборсиз қолаётир. Айниқса, бошланғич синфларда дарсликлар етишмаслиги, 3-4-синфдаги кўпчилик ўқувчилар ҳатто ўқиш, ёзишни билмаслиги, бор қўлланмалар ҳам талабга жавоб бермаслиги ҳақида қайғурилмаяпти. Бошланғич синфлар дастури, ўқув режаси ва дарс жадваллари ўқувчиларнинг ҳар томонлама соғлом ўсишига, камол топишига таъсир кўрсатиши керак. Ваҳоланки, ўқув режасига асосан тузилган дарс жадвалида жисмоний тарбияга ҳафтасига 2 соат, математикага 5-6 соат, ўқиш, она тилига 5 соат, рус ва чет тилларига уч соатдан вақт ажратилган. Ўқувчилар ҳафтасига жами 27 соат синфда ўтирадилар. Бундан ташқари ўқиш, турли тўгарак машғулотлари ҳам синф хоналарида ўтказилади. Бунга куни узайтирилган гуруҳларда дарс тайёрлаш, тарбиявий машғулотларни ҳам қўшинг, оқибатда бошланғич синф ўқувчилари бир кунда тахминан 8-9 соатлаб партада ўтиришга мажбур бўладилар.

Мулоҳаза

Бизнингча, бошланғич синфларнинг ўқув режасига жисмоний тарбия соатларини кўпайтириб, рақс ва мусиқа дарсларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Бу билан болалар аввало санъат, табиат, нафосатга ошно бўладилар.

Яна бир муаммо: илгари минглаб мактаблар ва боғчалар техник воситалар билан таъминланган эди. Бозор муносабатларига ўта бошлаганимиздан кейин ҳаммаси эгасиз қолди. Айрим вилоят, шаҳар, туман бошқарма бошлиқлари билан боғча ёки мактабларга бориб «техник воситалар қани?» деб сурасангиз, «ҳозир олиб келамиз», дейишадида, бир зумда муҳайё этишади. Лекин текширувчилар кеттач, улар яна «йўқолиб» қолади.

Ачинарлиси, ҳар йили мактабларни таъмирлаш учун давлат томонидан катта миқдорда маблағ ажратилади. Амалда эса мактаблар деярли ота-оналар кучи билан таъмирланади...

Бу қамчиликлардан халқ таълими тизимига қарашли бошқа ташкилотлар ҳам холи эмас. Республикамиздаги ёш саёҳатчилар, ёш техниклар клублари, ўсмирлар саройидан ўқув қуроллари ва техник воситалар, айниқса, республика илмий- методика марказидан компьютерлар, аудио ва видео техника воситаларининг тарқалиб кетганлиги билан ҳеч ким қизиқмаётир.

Таълим тизими собиқ Иттифоқ пайтида Москва томонидан тузилган эди. «Марказ» ўз шароитидан келиб чиқиб мактабларда кийимчи, қоровул, сантехник, дурадгор ва бошқа маиший хизмат қилиш штатлари ажратган эди. Ҳозир ҳам бу иш жойлари республикамиз мактабларида мавжуд. Лекин мактабларнинг анчагина қисми иситилмайди, санузеллари йўқ, эски барак типида қурилган. Шундай бўлса-да, бугун ҳам улар «маош олаяптилар». Бундан хабардор шаҳар ва туман халқ таълими бўлими ходимлари уни яшириб келмоқдалар.

Мустақилликка эришганимизга беш йил бўлаяпти. Республикамизнинг мактаблари қандай бўлиши керак? Европа мактабларидан андоза олиш лозимми ёки ўзимизнинг миллий ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, уларга янги йўналиш бериш керакми? Бу дардли саволларга энди ҳаммамиз биргаликда жавоб топишимиз керак.

Маҳбуба АББОСОВА,
Халқ таълими вазирлигининг
республика таълим илмий-методика
маркази бўлими бошлиғи,
филология фанлари номзоди.

Иқтисодиёт олами

КИЧИК НОН ЗАВОДИ

• НАВОИЙ (мухбиримиздан). Навбаҳор марказида кичик нон заводи фойдаланишга топширилди. 300 минг сўмлик маблағ сарфланган бу корхонада бир кеча-кундузда бир тонна нон, 150 килограмм қандолат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Иш жараёни автоматлаштирилган. Беш киши меҳнат қилмоқда. Вазифа— заводни кенгайтириб, ишлаб чиқаришни уч сменада ташкил этиш. Шунда 24 соатда уч тонна нон, 480 килограмм ширинликлар тайёрланадиган бўлади. Бундай нон заводлари Халқон ва Янгиқўрғон қишлоқларида ҳам қурилади.

Музаффар ШАРОПОВ.

Янги нашр

«ҚАШҚАДАРЁ ФУТБОЛИ» — ГАЗЕТА ИЛОВАСИ

• ҚАРШИ (мухбиримиздан). Вилоят ҳокимлигининг қарори билан «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Кашкадарьинская правда» рўзномаларининг футболга бағишланган иловасини чиқариш йўлга қўйилди. Бу тадбир юртимизда футболни янада ривожлантиришга бағишланган қарорни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Юнус УЗОҚОВ.



Лайлаклар кетмайдиган юрт. Муҳаммад АМИН олган сурат.

ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРГАНЛАР

Рустам Рамазонов Пешқу тумани тайёрлов идорасига қарашли ёрдамчи хўжаликда чўпон эди. Топгани ҳар ҳолда оиласи, икки нафар гўдагини боқишга етарди. Аммо нима бўлди-ю, бирдан феъли айниди, ўзгалар мулки ҳисобига бойимоқчи бўлди. «Ҳозир нима кўп, мол бозори кўп, — ўйлади у, — ишни ҳамсоядан бошлай-чи...»

Отаси ўғрилик нонини емаган Рустам шайтон васвасаси билан тунги соат иккиларда Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Қулҳовли қишлоғида яшовчи қўшниси Жўрақул Бозоровникига ўғриликка кирди. Қараса ҳовлида эшак боғлиқ турибди. «Кел, унганини миниб, йўлда яна бирорта қорамол илиниб қолар» деганича Зандани бозори томон юрди. Буни қарангки, йўлда кета туриб хаспўш остида молнинг маъраганини эшитган Рустам ҳар қандай қурқувни йўқотиб сигирни етовга тортди.

Табиийки, арзон бўлса ҳар нарсага харидор дарҳол топилади. Эшакни нотаниш кишига 1100 сўмга, сигирни таниши Эркинга арзонга сотди. Қўли энди текин 1800 сўм пул курганда билакларига кишан солинди, хаёли жойига тушиб:

Турмуш сўқмоқларида

— Шайтон йўлдан урди, ишонинглар, — деб жавради судда у. — Кечиринглар, қамалсам болаларимнинг ҳоли не кечади?!

Ҳаром луқма ошно бўлган эгри қўлга судда тегишли жазо тайинланди.

Вобкент шаҳрининг Ғ. Ғулом кўчасида яшовчи Олим Орипов билан Шерали Жумаевлар ҳам шайтон васвасасига йўлиқишди. Олим айни кучга тўлган чоғида умрининг 7 йилини, Шерали эса 3 йилини «ичкари»да ўтказадиган бўлишди. Олим Орипов уйланган, фарзандли. Аммо ҳеч қаерда ишламайди. У қўшниси — вояга етмаган Шералини ҳам йўлдан оздирди. Иккаласи Вобкент шаҳридаги «Гулбаҳор» болалар боғчасига ўғриликка кириб, у ердан 2 дона полос, дераза ойналарини олиб кетишади. Жиноий ҳаракатларини давом эттирган бу саёқлар шаҳардаги Ғ. Ғулом кўчасида яшовчи Собир Ортиқовнинг уйидан автомашина аккумуляторини, Нажмиддин Тожиддиновнинг ҳовлисидан аккумуляторлар, машина ғилдираги ва эҳтиёт қисмларини ўғирлашган.

Бухоро шаҳрида яшовчи Шуҳрат Пулатов йигирма тўрт ёшида куппа-кундуз куни велосипед ўғрилашда «рекорд» ўрнатди. Бултур вилоят касалхонасига бемор кўришга келган Усмон Баракаевнинг велосипедини ўғрилаб, уни А. Алларов деган кимсага 680 сўмга сотади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас шаҳарнинг Шаҳристон бозори ҳудудида жойлашган дўконлар олдида пайдо бўлади. Қараса М. Отамуродов мудирлик қилаётган дўконда ун сотиляпти. — Айни пайти, баҳона топса бўлади, — хаёлидан ўтказди Шуҳрат. — Мудирни лақиллатиб бўлмайдими, бўлади!

— Ун олмоқчи эдим, пулни унутибман. Агар велосипедингизни берсангиз олиб келардим.

Мудир лаққа ишонди, «Майли бориб келақол» деди. Аммо велосипеди «насия»га кетганлигидан унинг асло хабари йўқ эди.

Гадой бир эшикдан ўтганича деган нақл бор. «Тажрибаси» оша борган сайин Шуҳратнинг иштаҳаси ҳам карнай бўла бошлади. У шаҳардаги «Нарзулла» кичик корхонасига қарашли ошхонага келиб фуқаро А. Мировнинг велосипедини ва бошқа шахсларнинг мол-мулкларини ўғрилайди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача экан. Велосипед ўғриси қармоққа илинди, у 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ҳали уйланмаган, ҳеч қаерда ишламаган бу кимсанинг ота-онаси ҳам бор. Айб фақат Шуҳратдами ёки улардами? Чунки бола тарбияси, хатти-ҳаракати учун ота-она бурчли ва масъул. Ана шу бурч унутилса-чи? Бугун оилага дарз кетади. Тузатиб бўлмас хатонинг сурункали жабрини кўпчилик тортишга мажбур бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚОРГА ЁЗИБ, ОФТОБДА ҚУРИТИЛГАН ВАЪДАЛАР

Ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов ўтган йили февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида қуюнчаклик билан бундай деган эди: «Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар, муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амри фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз холос» — деб, миямизга қуйиб келишмаганмиди?»

Кейинги пайтда рўй берган воқеалар бу гаплар тагида теран маъно борлигини яна бир карра исботлади. Табиийки, биз иқтисодий интеграцияга, барча билан баравар алоқа қилишга асло қарши эмасмиз. Лекин бу масалада тенглик бўлиши, бир мамлакат манфаатлари иккинчи мамлакат манфаатларига зид келмаслиги лозим. Ўзбекистон жаҳоннинг тенг ҳуқуқли, суверен давлати сифатида бундай талаб қўйиши табиийдир. Оддий мантиқ ҳам шуни тақозо этади.

Шу ўринда ўзим кўпдан буён ўйлаб юрган баъзи масалаларни айтгим келади. Халқимиз меҳнаткаш, ҳалол, чин маънода байналминалчи халқ. Шу сатрлар муаллифи Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ва бошқа жойларда бўлиб ўтган қўшма сессияларда иштирок этди. Уларда сўзга чиққан рус, корейс, татар, тожик ва бошқа миллатга мансуб ҳамюртларимизнинг мана шу тупроқ, мана шу Ватан ҳаммамизники деб, айтган сўзлари қалбимда фахр туйғусини уйғотди. Ҳа, биз ягона Ватанда яшаймиз, бағрикенг халқмиз. Фақат баъзи камчиликларимизни айтсам мендан ранжиманг. Тўғриси, бундай камчилик ўзимда ҳам бор. Биз анчагина лоқайдмиз, анчагина ноаҳилмиз. Бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Майли, жудаям узоққа бормай гапни ўтган асрдан бошлай қолайлик.

Тарихдан маълумки, ўтган аср ўрталарида бой табиий ресурсларга эга бўлган Туркистонга «қизиқиш» айниқса кучаяди. Юрт устида қора булутлар тўплана бошлайди. Худди шу паллада Бухоро амири Насруллохон дини Исломни ҳимоя қилиш баҳонасида ва яна бир хонимча дардида Қўқон хонлигига юриш қилади. Улкан шоира ва давлат арбоби Нодирабегимнинг кўз ўнгида невараларини, ўғли Мадалихонни ўлдиради. Сўнг ўзини ҳам қатл этади. Бундай бошбошдоқлик Туркистонга «қизиқиш»ни янада кучайтиради. Икки қўчқор сузишса, бўрининг насибаси бутун бўлади! Орадан кўп ўтмай Қўқоннинг навбатдаги хони Худоёрхонга «душман Оқмачитни олди», деб хабар берадилар. Хон «Оқмачит деганинг бу ердан неча кунлик

1

йўл?» деб сўрайди. «Отда икки ҳафталик йўл», десалар, хон эринчоқлик билан қўл силтайди: «Жудаям узоқ экан. Олса олаверсин, шу билан давлатимиз камайиб қолармиди?».

60-йилларнинг ўрталарида Черняевнинг тиш-тирноғигача қуролланган қўшини Тошкент томон юради. Буни қарангки, худди шу паллада Бухоронинг янги амири Музаффархон Қўқон хонлиги устига яна лашкар тортади. Бир юрт одамларининг бир-бирига бунчалик «меҳрибонлиги»га «қойил қолмай» илож йўқ! Айни саратон пайти Черняев Тошкентни қамал қилади.

Ўтган асрда юртимизда миллий озодлик ҳаракатлари кўп бўлди. Пўлатхон қўзғолони, Етимхон қўзғолони, «Вабо» исёни, Собирхон исёни ва бошқалар бунга мисол бўла олади. 1898 йил май ойида бўлган Дукчи эшон стихияли қўзғолони Андижон, Марғилон, Ўш, Наманган, Еттисув, Авлиёота каби минтақаларни қамраб олади. А. Эгамназаровнинг «Сиз билган Дукчи эшон» китобига кирган ва Москвадаги марказий архивдан олинган маълумотларда бу ҳаракатга оид кўплаб далиллар бор. Қўзғолон шафқатсиз бостирилади. Мингтепа қишлоғи тўпга тутиб кули кўкка совурилади. Қашқар ва Тожик қишлоқларидаги барча оилаларнинг уйлари вайрон қилиниб кучириб юборилади. Юзлаб одамлар Сахалинга сургун қилинади. 1898 йил 12 июнь куни қўзғолончиларни жазолаш маросими бўлади. Толзор деган жойга яқин-йироқдан 8 минг одам ҳайдаб келинади. Улар орасида 2 мингта ёш бола ҳам бор эди. Болаларни биринчи қаторга турғизиб қўядилар. Қўзғолон ташкилотчилари осиб ўлдирилади. Кўп болаларнинг қўрқувдан юраги ёрилгудек бўлади. Дукчи Эшон дор остида «Биродарлар, мен халқимни деганим учун ўлаяпман!» деб хайқиради. Қизиғи шундаки, уни ўзининг яқин одами — Қодирқул мингбоши жазо отрядига ҳийла билан тутиб берган экан. Айтишларича, Дукчи эшон уни «илоё, жинни бўлиб ўл!» деб дуоибад қилади. Балки бу тасодифдир. Аммо мингбоши чиндан ҳам эсдан оғиб, ит азобида ўлади. Ўзимиздан чиққан «сиёсий ҳушёр» солномачилар Дукчи эшонга тош отмаган қолмади, ҳисоб. Қаллоб дедилар, порахўр дедилар. Ҳолбуки, у ўзига келган назр-ниёзларни элга тарқатган. Жазо отряди унинг уйидан олтин-жавоҳирлар излаб бир тийин ҳам топмаган. Инсофли рус тадқиқотчиси Т. Ситняковский 1898 йили «Туркестанские ведомости» газетасида чиққан мақолаларида Дукчи эшонга қўйилаётган айбномалар ҳақиқатдан йироқ эканига, қўзғолон бир халқ-

2

нинг иккинчи халққа қарши кураши эмаслиги, унинг тагида бошқа, теран сабаблар ётганига ишора қилган эди. «Андижоннома» газетасининг 1993 йил 2 февраль сонида ҳам қизиқ факт ёзилган. Марҳум Мадмуса ота невараларига бир нарсани айтиб кетган. Ўша қўзғолон пайтида у ёш бола бўлган, Қорақўрғон қишлоғидан қўзғолончиларга қўшилиб Андижонга бориб қолган. Шунда жазо отрядининг каллакесарларидан уни нотаниш рус аёли асраб қолган.

Биласиз, Октябрь инқилоби арафасида Россия империясида аҳоли рўйхати ўтказилган. Бу ҳужжатга ишонадиган бўлсак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бор-йўғи 2,5 фоиз аҳоли ўқиш ва ёзишни билган. Савол туғилади. Агар бу юртнинг одамлари шу қадар нотавон бўлса, Фаробий қандай қилиб Аристотелнинг «Метафизика» асарига энг мукаммал шарҳ ёзди экан? Хоразмий қандай қилиб алгоритм фанига асос солди экан? Беруний қандай қилиб Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчади экан? Бобомиз Амир Темур бу қадар гўзал обидаларни қандай яратдию, Улуғбек қандай қилиб 1019 юлдузнинг ҳаракат жадвалини тузди экан? Улкан олим Абдурауф Фитратнинг ёзишига қараганда инқилобдан олдин (айнан ўша «аҳоли рўйхати» пайтида) биргина Бухоронинг ўзида 200 га яқин мадраса бўлган. Юртимиздаги юзлаб мадрасалар, ҳар бир қишлоқдаги домла ва отин ойилар, ўқиш ва ёзишни ўргатмай нима билан шуғулланди экан? Кейинчалик бу масалада андек «ноаниқлик» рўй бергани аён бўлиб қолди. Маълум бўлишича, аҳоли рўйхати пайтида фақат рус-тузем мактабида ўқийдиганларгина ҳисобга олинган. Агар эски имлода ўқиш ва ёзишни биладиганлар ҳам ҳисобланса, аҳолининг 20 фоиздан ортиғи саводхон экан. Ҳолбуки, 75 йил давомида ўзимизнинг тадқиқотчиларимиз ўтмишда ёппасига «саводсиз» бўлганимизни ёзиб, дунёга жар солдилар. Ҳатто «Ким эдик ўтмишда биз, номи йўқ қашшоқ гадо» деган шеърлар ҳам чиқди ва қўшиқ қилиб айтилди. Қизиқ, номи йўқ одам, номи йўқ халқ бўладими? Ўз бошингдан ўзинг мағзава ағдариб турганингдан кейин биров четдан келиб сени ювинтириб қўймайди-ку, барака топгур!

Ниҳоят Улуғ инқилоб рўй берди. Инқилоб халқларга ҳеч нима бермади, десак тўғри бўлмайди. Илм-фан, техника, саноат ривожланди. Аслида инқилобнинг шиори, ваъдалари яхши эди. Афсуски, бу шиорларнинг кўпи қорга ёзиб, офтобда қуритилган гаплар экани аён бўлиб қолди. Туркистон ўша-ўша арзон хом ашё базаси бўлиб қолаверди.

3

Тенглик, мустақиллик деган гаплар ҳавойи ваъдалар бўлиб чиқди.

Бизнинг тенгқурларимиз, ҳатто биздан кейинги авлод ҳам бошпуртига бир қарасин... Бири Ленин, бири Сталин, бири Калинин, Ворошилов, Свердлов, Будённий, Фрунзе районида туғилган десам, нотўғри бўлмайди. Миллионлаб бегуноҳларнинг уволига қолган «халқлар отаси» Сталин ҳақида талай ҳақиқатларни биласиз. Унинг атрофидаги «доҳийчалар» ким эди? Кўп йиллар «доҳий»нинг шахсий котиби бўлиб ишлаган Борис Бажановнинг «Воспоминания личного секретаря Сталина» деган китобини ўқисангиз, анча-мунча «ғаройиб» нарсаларни англаб оласиз. Яков Свердловнинг маънавияти қандай бўлгани, «Бутуниттифоқ оқсоқоли» Михаил Калинин Ўзбекистондан марказга қайтиб боргач, нималар дегани, шиори «я ничего не знаю, моё дело — рубать» яъни, «калла олишни менга қўйиб бер», деган. Будённий Жиззах томонларда қандай «ҳунарлар» кўрсатганини ҳали ҳам кўпчилик билмайди... Бундай «тарихий» хизматларни тақдирламай бўлармиди? Шунинг учун биз Калининга каттакон ҳайкал қўйдик. Шунинг учун энг муҳташам томошагоҳни Свердлов номи билан атадик. Шунинг учун кўчалару-майдонларга Будённий номини бердик. Бундай «доҳийчалар» номи биринчи бўлиб Россиянинг ўзида қоралангани кўп нарсалардан дарак беради.

Яна бир «доҳийча» — Фрунзе ҳақида икки оғиз сўз. Бу «инқилоб чавандози» кўп илмли, кўп ақлли бўлган. Шу қадар ақлли бўлганки, Файзулла Хўжаевнинг Бухоро амирига қаршилигидан усталик билан фойдаланган.

1920 йил сентябрида Бухоро штурм қилинади. Бир вақтлар Тошкент жон олиб-жон бераётганида қашланиб ҳам қўймаган, орадан кўп ўтмай ўзи ҳам вассалга айланган Бухоро амирлигини батамом маҳв этиш вақти етган эди. «Халоскорлик» миссиясига «қонуний» тус бериш йўли ҳам топилади. Бешим сардор деган шахс «халқ вакили» сифатида Бухоро аҳлига, қизил аскарларга ёрдам бериш тўғрисида мурожаат қилади. Шўрлик халқ эса бир томондан амир сарбозлари қиличидан, иккинчи томондан «қизиллар» ўқидан қўрқиб ин-инига кириб кетган эди. Фрунзе буйруғи билан Бухорони бомбардимон қилган учувчилардан бири Фоукес шундай ҳикоя қилади:

«Биз Бухорони бомбардимон қилдик. Қадимий амирликни вайрон этдик. Айниқса, машҳур «ўлим минораси»

4

га тушган бомба гарчанд моҳиятан бир миноранинг мўлжалга олиниши биз учун мутлақо фойдасиз бўлса-да, бизга алоҳида завқ-шавқ бағишлади». («Қумдаги жанглар» китоби. Москва. 1935 йил. М. Горький таҳрири остида). Дуруст, амир золим экан. Бухоро «озод» қилинибди. Аммо халқ даҳоси билан бунёд этилган ва кўп асрлар қад кериб турган Минораи калоннинг гуноҳи нима эди?.. Бундай «қаҳрамонликлар» эвазига Бухоронинг энг катта кўчаси Фрунзе номи билан аталди ва худди ўзи вайрон қилган жойда маҳобатли ҳайкали ўрнатилди. Шоирларимиз достонлар ёзди, олимларимиз илмий тадқиқотлар қилди. Киночиларимиз шу қадар «ғайрат» кўрсатишдики, фильмларимиз босмачиларга тўлиб кетди ва «Ўзбекфильм»нинг лақаби «Басмачфильм» бўлди!

Соҳибқирон Амир Темурга муносабатни олайлик, Ғарбий Европа мамлакатларида «гранд-Темур» — улуғ Темур деб эъзозлаб келинган бобомизни зўр бериб қоралаганлар орасида ўзимизнинг одамлар йўқмиди?.. Темур ҳақида холис гап айтишга уринган атоқли аллома Иброҳим Мўминовни ғурга тиқиб тинчидик.

Соҳибқироннинг «Таржимаи ҳол» китобидаги ўн икки принципни яна бир ўқиб кўринг! Ҳаммаси мардлик, адолат, саховатга бағишланган. Ўша дастурнинг ўн иккинчи бобида ғалати далил бор. Соҳибқироннинг иккита вазири — Махмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насриддин Махмуд ал-Аромийлар зиммасига энг осон ва энг қийин вазифа юклаб қўйилган: бу вазирларга Темур қаттиқ тайинлаган: агар ўзим билмай қолиб адолатсиз қарорлар қабул қилсам, ўзим билмай бировнинг ҳақига хиёнат қилсам, элгонларга учиб халқ манфаатига зид иш қилсам, дарҳол мени огоҳ қилинглар, деган. Адолатсиз шоҳ шунақа бўладими?

Худога шукр. Истиқлол шарофати билан, Президентимиз шижоати билан буюк бобомизга оид ҳақиқатлар тикланди. Бир вақтлар Туркистонни босиб олган генерал губернатор фон Кауфман ҳайкали турган майдонга бугун Соҳибқирон сиймоси ўрнатилди...

Яқинда бўлган «пахта иши», «ўзбек иши» кампанияси аслида 30—50-йиллардаги қатағонларнинг мантиқий давоми эди. Амалда бу кампания 80-йилларда эмас, анча олдинроқ бошланган. 1979 йили ДОСААФ нашриётида чоп этилган «Клуб служебного собаководства» тўплами, «Молодой коммунист» журналининг 1982 йил 2-сонида босилган Б. Калачев ва С. Поляковларнинг «Маиший ислом»

5

деган мақоласи ҳам бу репрессияни «маънавий жиҳатдан» «оқлашга» қаратилган уринишлар эди.

Бўлар энди, яширин эмас, ошкора камситиш, ҳақорат эди! Майли, ўша тўпламда «Итларга қандай лақаб қўйиш керак?» деган мақола билан қатнашган И. Духновский деган кимсанинг итдан бошқа ташвиши йўқ бўла қолсин. Аммо шу китобни юз минг нусхада чиқарган ноширлар Духновский итларга лақаб сифатида тавсия қилган ўнлаб номлар инсонлар исми эканини билмаганми? «Молодой коммунист» журналининг раҳбарлари бутун бошли халқларга очиқдан-очиқ туҳмат қилаётганини тушунмаганми? Тўғри, ўша пайтлар Ўзбекистонда қўшиб ёзишлар, порахўрликлар бўлган. Аммо бундай «ҳунар»лар бутун совет мамлакатида авж олганди, шекилли! «Марказ» эса репрессия учун айнан Ўзбекистонни бежиз танлагани йўқ. Бизнинг лоқайдлигимиз, ноаҳиллигимиз уларга яхши маълум эди!

Майли, биз ҳеч кимга ҳеч қандай даъво қилмоқчи эмасмиз. Қўни-қўшниларимизнинг ички ишларига аралашиш ниятимиз ҳам йўқ. Фақат ўша қора кунлар қайтиб бошимизга тушмасин, демоқчимиз. Баъзилар ўйлаганидек, Ўзбекистон ИСТИҚЛОЛИ осмондан тушгани йўқ, биз тоталитаризм меваларини хўб еб бўлганмиз, демоқчимиз! Негаки, ўтиш даврининг мушкулликларини, моддий тақчилликларни рўкач қилиб, айбни МУСТАҚИЛЛИККА тўнкашга уринаётганлар йўқ эмас.

Яна бир армонли гап. Бир вақтлар мустабид тузум зулмидан қочиб ота юртини тарк этишга мажбур бўлган чет эллик ватандошларимиз Ўзбекистон ИСТИҚЛОЛИга биздан камроқ қувонганлари йўқ. Афсуски, бугун биз катта мақсад йўлида жипслашмоғимиз, Ватан мустақиллигини ўйлашимиз шарт бўлиб турган паллада чет элдан туриб тош отаётганлар ҳам бор. Бундан ташқари собиқ СССР замонидаги буйруқбозликни, монополияни қўмсайдиган айрим «амалдорчалар» ҳам топилади. Оддий халқ орасида эртага СССР тикланса, нон 16 тийин бўлади, туз 6 тийин деб хаёл қилувчилар ҳам йўқ эмас. Фаровон кунлар келади. Ўзбекистон, худо хоҳласа, юксак тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олади. Бунинг учун МУСТАҚИЛЛИКНИ ёмон кўзлардан асрашимиз, юртимиздаги тинчликни, халқлар биродарлигини авайлашимиз, ҳалол меҳнат қилишимиз ва ниҳоят, лоқайдлик, ноаҳиллик касалидан тезроқ қутилишимиз керак. Тарих сабоқлари бизни шунга даъват этаяпти!

6

ҲИНДИСТОН ВА ЯҚИН ШАРҚ

Сиёсий иқлим

Деҳлида Ҳиндистондаги араб мамлакатлари элчилари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ливандаги воқеалар муҳокама этилди. Йиғиндан сўнг иштирокчилар Ҳиндистон ташқи ишлар вазири билан учрашдилар.

Сомали давлатининг Ҳиндистондаги элчиси — ушбу мамлакатдаги араб давлатлари элчилар гуруҳи раиси Ливандаги воқеаларга муносабат билдириб, ўзи ва ўз давлатининг ташвишини баён этди. У БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 425-резолюциясини сўзсиз бажариш мазкур муаммони ижобий ҳал этиши мумкин, деган фикрни илгари сурди. Чунки бу қарорда БМТ Исроилни тортиб олинган Ливан ерларини қайтариб беришга ундайди.

Ҳинд диёридаги араб мамлакатлари элчилар гуруҳи Ҳиндистон ҳукуматининг Ливанга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги қарорини маъқуллади. Элчилар, шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори бажарилишига эришиш учун Ливаннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётган Ҳиндистон ҳукумати билан маслакдош эканликларини билдирдилар. Ливаннинг Ҳиндистондаги элчиси ушбу муаммони ҳал этиш ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг қарори бажарилишини белгиловчи чоралар тўғрисида ўз мамлакатининг нуқтаи назарини изҳор этди.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Ливан ва Исроил чегараларида бўлиб ўтаётган зиддиятлар ва бу туфайли кишилар қурбон бўлаётганидан ўз ҳукуматининг ташвишда эканини, бу масалада ҳукумат уч марта расмий баёнот берганини айтди.

Вазир БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясида Ҳиндистон берган баёнот мазмунини яна бир карра эслатди: Ҳиндистон Бош Ассамблея қабул қилган қарорни тўлиқ қўллаб-қувватлаган эди. Ҳиндистон ҳамиша Яқин Шарқ муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган. У Ливаннинг ҳудудий яхлитлиги ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 425-қарори тўла ижро этилиши тарафдори. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яқин Шарқ муаммоси атрофида кундан-кунга қизиб бораётган музокаралар жараёни минтақада тинчлик ўрнатилишига олиб келади, деб умид билдирди.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

Машҳур кишилар ҳаётидан

МУЧАЛИНГИЗ СИЧҚОНМИ?

Буюк кишилар катта кашфлар қилиш билан бирга ғалати феъл-атворли ҳам бўлишади. Айниқса, уларнинг қизиқ юришлари мучалига ҳам боғлиқ.

Жорж болалигида ойпарастлик (тунда уйғоқдек юрадиган) касаллигига мубтало бўлган. Массачусетслик профессор Жеймс Филмор ўзи чўқинтирган Жорж-нинг ғаройиб қилиқларидан қаттиқ ташвишланган. У Жорж-нинг маънавий отаси ҳисобланган. Профессорнинг кузатишича: у тунлари бемалол ҳовлида, кўчада, отхонада, омборхонада «кезиб» юраверган. Қизиғи, у албатта дон-дун сақланадиган омборга кирган. Қопларни тешган, дондунни овоз чиқармасдан «ташиган».

Бир куни Жорж ногаҳон кимдир орқасида кузатиб турганини сезиб қолади. Бола чўчиб «уйғонади». Шу-шу ойпарастлик касаллиги қолиб кетади.

Лекин эҳтиёткорлик, овоз чиқармай писиб юриш, тежамкорлик фазилатлари умрининг охиригача сақланган.

Қитмир талабалар бу ҳақда узунқулоқ гаплардан эшитиб қолишди. Профессордан ҳазиллашиб сўрашди: «Балки Жорж-нинг йили сичқондир?»

Ҳа, қитмир талаба ҳақ экан! Американинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон 1732 йилнинг 22 февралида туғилган. Сичқон йилида! Жорж-нинг мучали ҳақиқатан ҳам сичқон-да!

Сиз ҳам ўз мучалингиздаги фазилатлар, хислатларга эгамисиз? Тиббиётчилар-нинг илмий кузатишлари инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракатларида албатта, мучалининг қайсидир фазилати борлигини тасдиқлайди.

Шунақасиям бўлади

БЎЙИН ҲАЛҚА БЕЗАКМИ?

Ҳар қандай халқ миллий урф-одатларининг минг йиллик тарихи бор. Бирмалик аёллар эса тўсатдан шода-шода бўйин безакларидан воз кечишди.

— Бунақаси тарихда бўлган эмас. Кутилмаган воқеа, — дейди бирмалик доктор Дин Ин Динт. — Аксарият хотин-қизлар болалигидан шундай бўйин безаги— ҳалқа тақишади. Билаклари, оёқларини ҳам шундай ҳалқалар билан безашади.

Йилма-йил биттадан ҳалқа қўшиб борилади. Шу зайлда уларнинг бўйни 40 сантиметрга узайтирилади. Бирмалик аёлнинг кўркамлиги бўйнининг узунлигига қараб белгиланади.

— Афсус, аёлларимиз бу анъанадан воз кечиб, ўз хусни-латофатларига путур етказишяпти, дейди дўхтир.

Ҳа, дўхтир ҳақ. Оғир ҳалқа сиртмоқдан қутилган бирмалик аёлларнинг наинки чиройи бузилди. Балки тинчлиги, ороми ҳам бузилди. Яна янги муаммо кўндаланг бўлди.

— Энг ёмони шундаки, зил-замбил ҳалқадан — бўйинтурукдан бўшаган бўйинларимиз гоҳ ўнгга, чапга, ортга-олдинга оғиб кетяпти. Кўнгилсиз, албатта. Лекин эрларимиз ташлаб кетсаям, қайта бўйин ҳалқа тақмаймиз, — дейди бўйин ҳалқаси ташлаш ҳаракати етакчиси Мурту Грапа. — Биз ҳам дунё аёлларидек «калта бўйин» бўлмоқчимиз.

Начора, бирмалик аёллар миллий безакдан воз кечишяпти. Ажабмас вақти келиб эркаклар бирмалик бўйни калта аёлларнинг латофатлилигини қайта тан олишса.

СОАТЛАР ОЛАМИДА

Энг қадимги соат милодий 725 йилда Хитойда соатсоз усталар И. Син ва Лан Линзан томонидан ясалган.

Дунёдаги энг катта соат эса Фарангистоннинг Бове шаҳридаги Авлиё Пётр ибодатхонасида ўрнатилган. Фаранг соатсозлари томонидан 1865-1868 йилларда ясалган мазкур улкан соат жами 90 минг дона деталдан иборат бўлиб, бўйи 12,1, эни эса 6,09 метрга тенгдир.

***

15,54х15, 54х15,54 метр ўлчамли баҳайбат соат АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги «Интернэшнл сквер» биносида ўрнатилган. Бинонинг беш қаватини энловчи мазкур соат компьютер ёрдамида бошқарилади. Ҳайкалтарош Жон Сейфер томонидан яратилган ушбу соатсозлик мўъжизасининг оғирлиги 2 тонна бўлиб, дунёнинг турли бурчакларида жойлашган ўн иккита шаҳардаги вақтни аниқ кўрсатиб беришга қодир.

***

Швейцариянинг «Жегер леултр» фирмаси дунёдаги энг митти қўл соатларни ишлаб чиқариш билан донг таратган. Узунлиги 1,2, эни 0,476 сантиметрли мазкур қўл соатининг вазни 7 граммга ҳам етмайди.

Биласизми?

РАКЕТАЛАР, КОСМИК КЕМАЛАР

Порох (олтингугурт, ўғит ҳамда кўмир ишқори) ёрдамида ҳаракатга келтирилган ҳарбий ракеталар тавсифига хитойлик Зен Кун Лаккнинг 1042 йилга тааллуқли қайдларида дуч келиш мумкин. Бундай ракеталар Европада фақат 1258 йилдагина пайдо бўлган.

Суюқ ёқилғили илк ракета доктор Роберт Хатчингз Годвард томонидан АҚШнинг Массачусетс штатидаги Оберн шаҳрида 1926 йил 16 март куни синаб кўрилган. Ракета 12,5 метр баландликда 56 метр масофани босиб ўтган. Космик аппаратлар ичида энг юқори тезликни (соатига 240 минг километр) АҚШ ва Олмония олимлари томонидан 1976 йилнинг 15 январида фазога учирилган «Гемос —В» қурилмаси кўрсатган.

Дунёдаги энг қудратли ракета шўро олимлари томонидан 1987 йилнинг 15 майида фазога учирилган «Энергия» космик транспорт тизими ҳисобланади. Мазкур қурилманинг оғирлиги жами ортилган юки билан қўшиб ҳисоблаганда 2400 тоннага тенг. У 140 тонна юкни фазога олиб чиқишга қодир.



АҚШнинг Калифорния штатидаги Ёсимит миллий боғи. Рей МЬЮС (Сиэтл) олган сурат.

ИНСОНИЙЛИК ҚИЁФАСИНИ ЙЎҚОТГАНЛАР

Бундан ўн ёинки беш-олти йил илгари шов-шув бўлган воқеа-ҳодисалар бугун ҳеч кимни ҳайрон қолдирмаслиги мумкин. Аммо биз ўша шов-шувларнинг, олди-қочди, ур-сурларнинг кўплигидан, уларни кўраверириб, эшитаверириб ўрганиб кетганимиздан орият, одамгарчилик, оқибат каби туйғуларни, илгаригидек, ёхуд умуман, ўз баҳосида қадрламаётгандек, ҳис қилмаётгандекмиз. Бу айни аччиқ ва рост гап.

Шу тобда бўлиб ўтган бир воқеани эсладик. Ҳали ўн йил ҳам бўлмади унга. Мактабни тугатиш арафасида бир қиз жонига қасд қилганди. Кейин бунинг сабабини изладилар. Воқеа эса бундай бўлган: улар икки дугона имтиҳонга тайёрлана туриб китоб орасидан бир хат топиб оладилар. Мактуб шу қиз номига ёзилган бўлиб, бир йигитнинг унга муҳаббат изҳори битилганди. Қиз эса буни шармандалик, ўз номига доғ деб билади, дугонаси олдида ўзини жуда ноқулай сезади, бундан кўра ўлимни афзал кўради...

Бир давра суд залидагиларни, эшитган-билганларни ҳайратга, даҳшатга солган бу воқеа ҳақида эса аслида сўзлашга тил, ёзишга қалам ожиз. Бироқ ёзиш керак. Бировларни шов-шувга тортиш, ҳайратга солиб, қойил қилиш маъносида эмас, азбаройи одамзот табиатидаги бу ҳодисанинг қанчалар катта фожиа эканини айтиш учун, таъкидлаш учун!

«Қаҳрамонлар» уч киши — «Ота» — у эр, ўгай ота, демак, аниқроқ айтганда, ота ҳам эмас, эрлиги ҳам қонунда белгиланмаган. Она — уни энди бундай деб ҳеч ким айтмаса ҳам керак. Хотин сифатида у ҳам қонунсиз. Билингки, тайинли одам ҳам эмас. Қиз — отага ўгай, онанинг эса туғилганидан, шунинг боласи эканлигидан ҳам норози бўлмиш боласи ва яна унинг касридан энди бир умр киприги нам, қадди букик, юзи қора бўлган фарзанд. Дарвоқе, яна бир киши бор. Бу ана шу никоҳсиз оиладан туғилган фарзанд — ўғил, она бир, ота бошқа «оға»...

Воқеа эса... 44 ёшли «эр» ўн икки ёшли ўгай қизини зўрлаб қўйибди. Қўлидаги гипс билан уриб ҳушдан кетказиб, бошини газ плитасига босиб, қўрқитиб... Тўрт йил муқаддам бўлган гап бу. Сўнг, орадан бир ой ўтиб яна, уч йилдан кейин яна, яна... «Бола» эса ношуд онанинг «мен даданг билан гаплашиб қўяман, сенга бошқа тегмайди», деган юпатишларига кўниб, бир томони ноқонуний «ота»нинг қўрқитишларидан чўчиб, индамай юрди. Бола-ку даҳшатдан шундай қилибди, она-чи? Наҳотки у она? Наҳотки, шу нуридийдасини ўзининг «эри»га муносиб билди? Йўқ, у она тугул одам деган номни булғаган бир маҳлуқ.

Жиноят ва руҳият

Унинг хайрихоҳлиги оқибатида биргина қўғирчоқдек қизгина эмас, ўғилнинг ҳам бахти қаро. Ахир ука отаси билан бўлган «опа»сини нима деб атайди? Кўзига қандай қарайди? Умуман, одамлар олдида ким бўлди энди у?

Тошкент шаҳар суди жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси бу ишни кўраркан инсон сифатида бу «ҳангома»ни баҳолашга ҳамма ҳам ожиз эди. Қонунимизга биноан эса жиноятчи эрга йигирма йиллик қамоқ жазоси белгиланди. Алалхусус ниҳоят адолат қарор топди. Бу масаланинг қонуний нуқтаи назардан олганда ечим топгани. Аммо йўқотилган онабола, одам билан одам муносабатларида кечган дарзни бутлаб бўлармиди? Албатта, йўқ. Энди она оналикка маънан даъво қилолмаганидай, бола ҳам ўзини чин маънодаги тўлақонли «одам» баҳолай олмай юради. Хўш, бу фожианинг асл сабаби нимада?

Нега ҳаётимизни кемтик қилиб турган бу каби фожиаларга бефарқмиз? Нега улар содир этилгач, аттанг дея муносабат билдириб қўя қоламиз? Нима учун унинг келиб чиқиши, туғилиши жараёнини кўриб кўрмасликка оламиз, лоқайд иштирокчи бўламиз? Бу «оила» 1982 йилдан буён ноқонуний иқтиқомат қилиб келган. «Эр» уч марта уйланган, икки марта ажралишга улгурган. Унинг бошқа собиқ қонуний оилаларидан ўғиллари бор, қизлари ҳам. Иккинчи, яъни ҳозирда собиқ хотини бу воқеа содир бўлиши, у шундай кунга дуч келиши тайин эди, дейди. Хўш, нега энди бу одамнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демаган? Унинг учун хотин алмаштириш, ўйнаш тутиш оддий ҳолга айланган. Қизнинг онаси эса шунчалар тубанликка борганки, сўнгги вақтда унга қизини тортиқ қилиш эвазига бўлса-да, уйига чорлаб турган. Аслида эса у қилмиши учун бу одамдан ўч олиши керак эди. У ҳақ бўларди, тўғри иш қилган бўларди. Афсус. Қизни ўқитган муаллимаси зеҳнли, илмли қизалоқни ҳатто ўз онасидан «мен оналик қилай, менга беринг, увол бўлмасин унинг келажаги» дея сўраган ҳам. Унинг айтишича, қизнинг баъзи фанлар бўйича алоҳида лаёқати бор эди. Мана, воқеалар бошланганига ҳам тўрт йил бўлди. Бу вақтда қиз ақлан ўсди, аммо руҳий зўриқишлар таъсириданми, бўйи-басти, вазнида ривож йўқ. Аслида бу жараён ҳали узоқ давом этиши ҳам мумкин эди. Охирги гал «муносабат» уришгача бориб етди. Оқибатда у милицияга борди, текширтирди ва аҳвол ошкор бўлди.

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик. Бир-биримизга одамона қарашга қайтайлик. Сўзимиз-у қилиғимиз, тилагимизу ўтинчимиз, фикр-ўйимиз, дунёқарашимиз, яшаш тарзимизу турмушимиз — ҳаммаси одамга хос бўлсин. Инсонийлик қиёфасини йўқотмайлик!

Ғайбулла СУЛТОНОВ,
ҳуқуқшунос.
Ҳусан ЭРМАТОВ,
журналист.

СИРЛАШУВ.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Спорт

«ҲАВАС»ДАН «ИБРАТ» ОЛИШДИ

Мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган «Ҳавас» теннис мусобақаси қанот ёзмоқда.

Андижонда «Ҳавас»га ўхшаган «Ибрат» теннис мусобақасини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг қарори билан ташкил этилаётган бундай мусобақани ўтказишдан мақсад, теннисниг оммавийлигига эришиш, катта теннисни ривожлантириш ҳамда соғлом авлодни тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат. Май-июнь ойларида ўтказиладиган мусобақада асосан ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари қатнашадилар.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Атланта шаҳрида ўтказиладиган олимпиада мусобақаларига тайёргарлик давом этмоқда.

Боксчиларимиздан самарқандлик Дилшод Ёрбеков билан андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаевлар халқаро учрашувда иштирок этдилар. Дилшод ҳал қилувчи ўйинда кубалик Эрнандесга, Абдулла эса Россия вакили Пата Гласалига имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан қайтдилар. Олимпиада баҳсларида эса боксчиларимиздан Улуғбек Иброҳимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Карим Тўлаганов, Дилшод Ёрбеков, Темур Иброҳимов, Руслан Чагаевлар иштирок этадилар.

ФИДОЙИЛИК ЯРАТГАН ДАВЛАТ

Ҳар ким оламни ҳар хил тушунади. Одамлар, воқеа-ҳодисаларга турлича баҳо беради, ҳаётдан ўзига хос маъни ахтаради, бахт излайди. Аслида бу бизнинг болалагимизда шаклланган дунёқарашимизнинг йўналишига, савиясига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боисдан ҳаёт мезонлари аллақачон чиройли бир исм қўйиб улгурган қаҳрамонимиз «жаноб Бегимқулов» ҳақидаги қораламамизни ҳам унинг болалигидан бошлаш жоиз кўринди.

Бўрон бобо бундан эллик йил илгариги воқеаларни эҳтимол тулиқ эслай олмаслар. Аммо олтинчи фарзанд — Дониёрбекнинг туғилиши оилага ўзгача қувонч олиб келганини жуда яхши хотирлайдилар. Уруш тугаб, одамлар шукроналик билан тинч меҳнатга зур бера бошлаган дамлар. Уша йили Оллоҳ ёшингарчиликдан қисмади. Далаларга қадалган ризқ-насиба — дон барқ уриб униб чиқди. Мулжалланган ҳосилдан мулроқ галлага кўз тикиш ҳам мумкин эди. Урушнинг асоратлари эса йўқотишлар, айрилиқлар қуламидан юрак олдирган оилаларни ғам-алам комига тортиб турган маҳаллар. Ана шундай кунларнинг бирида оилада янги меҳмоннинг туғилиши, албатта, катта байрам бўлганди...

Дониёрнинг болалиги ана шу муҳитда утди. Ўрта мактабни тугатгач Тошкентга келди. Мана қарийб уттиз йилдирки, пойтахтда. Аввал ТошДУнинг филология факультетида уқиди, сўнг шу даргоҳда ишлади ҳам. «Уқитувчи» нашриётида утган ун бир йил уни тула маънода пишитди, тарбиялади. Унинг ижодкор сифатида шаклланишида катта мактаб ҳам бўлди.



Ўзбек феъли

Бу йиллар мобайнида ўзбек таржимончилиги, тақризчилик муҳитида янги бир имзо — Бегимқулов пайдо бўлди. У тез-тез матбуотда кўрина бошлади. Турли мавзулардаги адабий, илмий асарларни-да пишиқроқ, мукаммалроқ бўлмоғини истаганлар орасида ҳам унинг ўзига яраша ўрни пайдо бўлди.

Дарвоқе, Бегимқуловни адабиёт илмидан хабардор одамлар энг аввало «ориповшунос» сифатида яхши биладилар. Абдулла Орипов ижоди бўйича ёқланган биринчи диплом иши муаллифи Дониёр Бегимқуловнинг бу борада кейинчалик эълон қилган мақолалари йиғилса ҳам балким бир китоб бўларди. Қолаверса, Асқад Мухтор, Тилак Жўра, Мирпулат Мирзо ва бошқалар ижоди ҳақидаги битиклар...

«Эҳ-ҳе, унга қунт қани?» дейди унинг ўзи. Бу эса қаҳрамонимиз улгураётган кўриниб-кўринмайдиган «мингта иш»нинг олдида асли ҳеч гап эмасдек туюлади бизга. Ва хулоса қиламиз: бу унинг камчилиги. Камтарлик тунига ўралганми, бошқами ҳар қалай — камчилиги. Балким оддийгина феъл-атворидан бир далолат. Бўлмаса унинг қалб-қури, заҳматли меҳнати билан амалга ошган ишлар учун балким бирон унвон ҳам кам. Аммо бизнинг Бегимқулов бошқача уйлайди. Унинг учун унвон — тоғдан ёру-дўстлари, ўзига яраша ҳурмати, бойлик эса — ширинданшакар фарзандлари Давронбек, Гуласал, Азизбек, оиласининг бекаси Замирахон, юз билан юзлашган отаси, таҳрир этган жилд-жилд китоблари, ёзган мақолалари, тақризлари, рисолалари...

Ишнинг санжоблигига қараб тез-тез боладиги ўтган она тупроқ Чиялига бориб туради. У ерда онаизор руҳини шод айлаб отаси, акалари, опалари билан дийдорлашиб қайтади. Бу ҳам ҳаётдан у излаган маъниларнинг бири.

Дониёр ака, олти йилдирки, ҳукумат идорасининг масъул ходими.

Олти йилки, унинг меҳнати маҳсули билан кунда-кунора рўпара келамиз. Ўзини танимасдан, меҳнатидан баҳраманд бўламиз. Бизлар миллион-миллионмиз. Бу эса меҳнатнинг кўпинча уқтириладиган самарадорлигига бир намуна.

Узимизнинг Бегимқулов. У ҳаётда камтарликнинг намунасини «чизиб» юрган одамлардан бири. Шунданми, ҳаёт мезонлари ҳам унга у бойлик деб билган яна бир аъмол — Фидоий деб исм қўйиб қўйган.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

ФУТБОЛ КАСБГА АЙЛАНГАНДА...

Бир пайтлар севимли «Пахтакор» командамиз собиқ Иттифоқ биринчилигида 6-ўринни олган кезлари марказий стадион ишқибозларга тўлиб кетар, чипта олиш амримаҳол эди. Шунда болалар «чиптасиз», милиционерлар кўзини шамғалат қилиб, ўйингоҳ тўсиғидан ошардилар. Эртасига эса ашаддий ишқибозлар тўпланадиган редакциялар биноси атрофи ёки ҳозирги Амир Темур хиёбонига ошиқардик. Бу ерда катталар баҳсидан кўп нарса ўрганиб, зўр таассурот билан уйга қайтардик. Ҳа, ўйинлар футбол ихлосмандлари учун чинакам байрамга айланарди, ўшанда.

Шундай кунлар яна бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори спортнинг бу турини янада оммалаштириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ўйинчиларни тайёрлаш ва айни пайтда Ватанимиз шаён-шавкатини жаҳон миқёсига олиб чиқишда аҳамияти катта.

Ушбу қарорнинг қандай бажарилаётганини Бўстонлиқ тумани мисолида кўриб чиқайлик. Туман ҳокими — туман футбол федерациясининг президенти, бир пайтлар ўзи ҳам тўп сурган Абдуманноп Абдувосиқовнинг фикрича, ҳукумат қарори жуда вақтида чиққан. Боиси, бизда футболчилар ҳам, ишқибозлар ҳам сероб. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга киришиш эса, шубҳасиз, янги авлодни тайёрлаш, тарбиялаш ва бу ўйинни янада ривожлантиришга йўл очади. Қарор чиққандан кейин ҳокимликнинг барча масъул ходимлари тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда иштиёқ билан ишга киришдилар.

Иш жараёнида спортни, хусусан футболни ривожлантиришда қатор етишмовчилик, жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Айниқса, умумтаълим мактабларида спортнинг моддий базаси, ўсмирлар тарбияси қониқарсиз аҳволда. Спорт анжомлари етарли эмас. Мусобақалар ўтказилишига кам маблағ ажратилади.

«Ғазалкент» футбол командасининг ўтган йили республика чемпионати 1-лигасида қатнашиб, юқори ўринларни ололмагани ҳам шундан. У биринчи давра якунлари бўйича пешқадамлик қилаётган эди. Ҳал қилувчи даврада эса 6-7 ўринларга тушиб қолди.

— Бунинг асосий сабаби команданинг молиявий аҳволи талабга жавоб бермасди, — дейди А. Абдувосиқов. — Бош ҳомий белгиланмаган эди. Аввал тижорат йўли билан футбол клуби ташкил қилинганди. Аммо унинг директори В. Ильницкийнинг масъулиятсизлиги оқибатида клуб иши барбод бўлди ва у ҳозир қайта ташкил этилмоқда. Футбол ҳақидаги қарори эса бу соҳадаги барча ишларни тубдан янгилашни талаб этади. Биз ҳозир қарорнинг ҳар бир банди бўйича амалий тадбирларни белгилаб, иш олиб бормоқдамиз.

Туман спорт қўмитаси раиси Владимир Климук ана шу тадбирларнинг қандай бажарилаётгани хусусида гапириб берди. Жумладан, «Ғазалкент» марказий стадиони тубдан таъмирланди. Аввал 4 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар яна мингтага кўпайтирилади. Футбол шарҳловчиси учун хона ажратилди. Чорвоқ ва Товоқсой қишлоқларидаги ўйингоҳлар ҳам таъмирланган. Жамоа хўжаликларидаги 16 стадион ҳам мавсумга ҳозирланди. Душхона, йўлкалар, ўриндиқлар тартибга келтирилди. 48 та мактабнинг барчасида шароит яратилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, спортнинг бокс, тоғ чанғиси турлари бўйича баҳсларда туман номи республика ва ҳатто Осиёда танилган. Бухорода бокс бўйича республика шахсий биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда С. Мамбетов, С. Андриасян, С. Тўкизбоевлар ўз вазн тоифаларига кўра ғолиб деб топилдилар.

Қарор ва ижро

Хитойда тоғ чанғиси бўйича бўлиб ўтган Осиё ўйинларида эса ака-сингил Ўринбоевлар 12-ўринга лойиқ кўрилди. Ғазалкентлик кингбоксчилардан тўрт нафарини республика чемпиони номига сазовор бўлиши ҳам туманда спортчилар янги авлоди камол топаётганидан нишонадир.

Айни пайтда футболчилар учун зарур кийимлар, тўплар, қўлқоплар ва эҳтиёждаги бошқа нарсалар харид қилинди. Хуллас, футбол мавсумини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат бор. Ҳозирданоқ спортдаги айрим ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Янгиланиш бор жойда эса албатта, тобланиш ва муваффақият бўлади.

Абдунаби МАННОПОВ.

Фарғона

ЛУТФИЙНИНГ НОМАЪЛУМ ҚАСИДАСИ

Қўқондаги Ғ. Ғулом номли вилоят адабиёт музейи олимлари С. Сотволдиев билан Х. Отажоновларнинг изланишлари самарали кечди.

1996 йил — Амир Темур йили

Навоийнинг устози Мавлоно Лутфийнинг соҳибқирон набираси Мирзо Бойсунғурга бағишлаб ёзган қасидаси топилди. Қасида музей қўлёзмалар фондидаги тўпламда экан. Лутфий қасидани Темурийлар авлодига бағишлаб ёзган. Унда соҳибқирон хонадонининг Туронзамин учун кўрсатган буюк хизмати мадҳ этилади. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида топилган мазкур қасида олимларнинг тўйга муносиб туҳфаси бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири..

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"
республика акционерлик бирлашмаси
мулкчилик шаклидан қатъи назар барча савдо ташкилотларига нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан харид қилиш учун қуйидаги маҳсулотларни
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

зангламайдиган пўлатдан ясалган қошиқ, вилка, совға тўпламлари, "Совпластитал" ҚК ишлаб чиқарган пластмасса тоғора, челак, лаган, коса ва бошқа идишлар, Литвада чиқарилган автомобиль фаралари ва туманга қарши фаралар, турли хил чинни, биллур идишлар, чой ва кофе сервизлари, ошхона тўпламлари, бўёқлар, чўткалар, гугурт, флянец, сифонлар, чет эл атир совунлари, ювиш ва тозалаш воситалари.

Шунингдек, фақат нақд пулга Белоруснинг "Минск" совутгичлари, турли хил Россия чинни тарелкалари, А-4 форматли Германия ва Испания қоғозлари, ёнмайдиган, сирли код шифрли Япония сейфлари, Молдованинг жундан тўқилган гиламлари ва Япония кондиционерлари савдога таклиф этилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент, Янгиобод даҳаси, Толариқ кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 96-25-60, 98-37-90, 98-37-96, 98-47-57. Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119. "Янгиобод" шохбекати.

Наманган

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

Шаҳардаги муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳида тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқарилиши, янги техника ва технологияни жорий этиш муаммолари мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Унда МДҲ мамлакатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан вакиллар қатнашди.

Хабарингиз борми?

Анжуман қатнашчилари икки кун мобайнида вилоятда бу соҳада тўпланган тажриба билан танишдилар. Давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Анжуманда енгил ва тўқимачилик саноати корхоналари учун тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80; 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА